

№ 6 сонли пудрат шартномаси

Ш.Рашидов тумани

“ 6 ” Апрель 2022 йил

Сирдарё-Зарафшон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи рахбари Т.Хамзаев ва “ENERGOMAX” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият рахбари Ф.Тўрақулов лар мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

НС ва ЭБ тасарруфидаги Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 сўғориш қудуғидаги 160/10-0.4 кВа русумли трансформаторини ялпи таъмирлаш

1.3 Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4 Ишларни бажариш муддати:

Шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин шартнома қийматининг 30% миқдорида бунақ туловларини амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича умумий қийматнинг 30% аванс утказиши билан бажарилган иш буйича туланади. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 10 257 000 (Ўн миллион икки юз эллик етти минг) сўм шундан НДС 1 337 869 сўмни ташкил қилади.

2.2 Ушбу шартнома буйича тулов пул утказиш йўли билан тулов топшириқнома асосида амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи умумий шартнома қийматининг 30% миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 20 (йигирма) банк кун муддатдан кечиктирмасдан колган туловни амалга оширади.

3.1 Мазкур шартнома ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

4.1.2. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

4.1.3. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

4.1.4. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

4.1.5. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни _15_ кун ичида текинга бартараф этиш.

4.1.6. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.7. Ишларни шахсан бажариш.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.2.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичида ёки мазкур шартномада кўрсатилган ишларни натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилишда шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

4.3. Буюртмачи кўйидаги ҳуқуқларга эга

4.3.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

4.3.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2.1 -бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 10% миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдиди турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Кафолатлар

6.1. Пудратчи:

- ✓ Барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларини сифатли бажаришни;
- ✓ Ўзи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ✓ Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш;
- ✓ Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

6.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар капитал таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгилайди.

6.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уларни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имкони бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш давригача узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

6.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдиди ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар гартиябсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир курсатиши ёки монелик қилиши туғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилоят Иқтисодий судида куриб чиқишга топширадилар.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустраслик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада курсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10. Яқуний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан ва Ҳазначилик органидан рўйхатдан утгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова:

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

Насос станциялари ва
энергетика бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

«Пудратчи»

"ENERGOMAX" МЧЖ

(номи)

Манзил: Ш.Рашидов тумани Оби-хаёт даҳаси

Тел./факс 0-595-504-09-61

х/р 100021860082127042402170003

Банк номи Марказий банк ББХКМ Тош. Шаҳар

х/в** 23402000300100001010

МФО 00014 СТИР 202390055

ОКОНХ 22100

Ҳазначилик бўлини номи Ўзб-н Рес-си Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги ягона ҳисоб varaғи

Ҳазна х/в

Банкнинг номи Марказий банк ББХКМ Тошкент шаҳар

МФО 00014

Ҳазначилик бўлини номи СТИРи 201122919



Рахбар

Хукуқшунос

Т.Хамзаев

Манзил: Ўзбекистан,город Ташкент, Бектемирский район

Тел./факс 712927711

Х/Р: 20208000604781550001

Банк номи: ТОШКЕНТ Ш. ЧЕТ ЭЛ КАИТАЛИ
ИШТРОКИДАГИ "НАМКОРБАНК" АТБ ЧИЛОНЗОР
ФИЛИАЛИ

МФО: 01108

СТИР 301200880

ОКОНХ: 27110

ВВБ Директор

Хукуқшунос

Х.Туракуев

Б.Бекхатаев



Handwritten signature: А. Эшбоев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 53825 на приобретение Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 суғориш қудуғидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторни ялпи таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 01.04.2022

Время рассмотрения 01.04.2022 08:43

Конкурсная комиссия Сирдаре-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Бошқарма бошлиғи	Жиззах НС ва ЭБ
Секретарь комиссии	XUDAYQULOV JAXONGIR EGAMBERDIYEVICH	IchTB boshlig'i	Jizzax NS va EB
Член комиссии	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Boshliq o'rinbosari	Jizzax NS va EB
Член комиссии	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Bo'lim boshlig'i	Jizzax NS va EB
Член комиссии	DONIYOROV YORQIN TOLIPOVICH	Бош хисобчи	Jizzax NS va EB
Член комиссии	ESHXUJAYEV RAXIM LUKMONOVICH	Булим бошлиғи	Жиззах НС ва ЭБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.04.2022 года № лота 53825.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по капитальному ремонту трансформаторов
Подробное описание	Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-03 суғориш қудуғидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторни ялпи таъмирлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	11 028 961.00
Стартовая сумма	11 028 961.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг солик ва бошка идоралардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ENERGO MAX	25	Справка об отсутствии задолжности	0	Экспертная		
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	25	11028961	22	Экспертная		
Электро-Элант-Файз mchj	25	11028961	25	Экспертная		

Критерий №2 Кархонанинг кераклии техника ва транспортлари булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархонанинг кераклии техника ва транспортлари булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ENERGO MAX	25	Перечень инструментов	24	Экспертная		
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	25	11028961	15	Экспертная		
Электро-Элант-Файз mchj	25	11028961	25	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ENERGO MAX	25	Список сотрудников	24	Экспертная		
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	25	11028961	22	Экспертная		
Электро-Элант-Файз mchj	25	11028961	25	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблаг хакида маълумотлари ва гувоҳномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг айланма маблаг хакида маълумотлари ва гувоҳномаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ENERGO MAX	25	Гувоҳнома	18	Экспертная		
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	25	11028961	21	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Электро-Элант-Файз mchj	25	11028961	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	11 028 961.00	11 028 961.00	30.03.2022 16:30:46	93.00
Электро-Элант-Файз mchj	11 028 961.00	11 028 961.00	30.03.2022 16:32:32	93.00
ООО ENERGO MAX	11 028 961.00	10 257 000.00	30.03.2022 11:49:08	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО JIZZAX PROJECT GROUP	Прошел	93	93
Электро-Элант-Файз mchj	Прошел	93	93
ООО ENERGO MAX	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 53825 от 01.04.2022 года на приобретение Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 суғориш кудуғидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторнини ялпи таъмирлаш определила победителем:

ООО ENERGO MAX
301200880


и резервный исполнитель: ООО JIZZAX PROJECT GROUP (303156784)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	TAVBAYEV ABDUXALIL MAVLONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHXUJAYEV RAXIM LUKMONOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	XAMZAYEV TO'LKIN ASHIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	DONIYOROV YORQIN TOLIPOVICH	Согласен	
Член комиссии	SUYUNOV ZAFAR QUVONDIQ O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



«Сирдарё-Зарафшон» ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси танлов комиссиясининг Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 сугориш қудугидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторнини ялпи таъмирлаш ишлари бўйича 53825 -сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан

**ШИКОЯТ ТУШМАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
БАЁННОМАСИ № 5**

2022 йил 6 Апрель

Ш.Рашидов тумани.

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- | | |
|------------------------|--|
| 1. Суёнов Зафар | - Бошлиқ ўринбосари комиссия раиси |
| 2. Худайкулов Жаҳонгир | - ИЧТБ бошлиғи комиссия аъзоси |
| 3. Дониёров Ёркин | - Бош ҳисобчи комиссия аъзоси |
| 4. Тавбоев Абдухалил | - Автогараж мудири комиссия аъзоси |
| 5. Эшхўжаев Раҳим | - Қудуқлар бўлим бошлиғи комиссия аъзоси |

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 сугориш қудугидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторнини ялпи таъмирлаш ишлари бўйича 53825 -сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловга асосан ўтказилган электрон танлов муҳокамаси.

ЭШИТИЛДИ:

Баҳолаш танлов комиссияси раиси З. Суёнов сўзга чиқиб, бошқармамиз тасарруфидаги таъмирлаш зарурияти бўлган Ш.Рашидов туманида жойлашган №03-01-3 сугориш қудугидаги 160/10-0.4 русумли трансформаторнини ялпи таъмирлаш ишларини бажариш бўйича «XARID.UZ» ахбарот порталига энг яхши таклиф учун электрон 11 028 961 сўмга танловга эълон жойлаштирган эдик.

Мазкур эълонга асосан 2022 йил 1 апрел куни ўтказилган электрон танловда «ENERGOMAX» МЧЖ томонидан 53825-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловда ғолиб деб эълон қилинди. Юқорида кўрсатилган ишларни бажартиришимиз зарур бўлмоқда. Ўтказилган энг яхши танлов бўйича фикр мулохазаларингизни ва таклифларингизни билдиришларингизни сўрайман.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ж. Худойкулов, бош ҳисобчи Ё. Дониёров, А. Тавбоев ва Р.Эшхўжаевлар сўзга чиқиб ўз фикр мулохазаларини билдирдилар ва танловнинг электрон портал орқали шаффоф ўтказилганлиги, танлов бўйича ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар бўлмаганлигини ўз сўзларида маълум қилишдилар.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб, танлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Мазкур танлов юзасидан ҳеч қандай шикоят тушмаганлиги « ENERGOMAX » МЧЖ электрон танловда ғолиб чиққанлиги сабабли танлов қонун талабларига кўра электрон тарзда бўлганлиги сабабли танлов шаффоф ўткан деб топилсин.

1. Суёнов Зафар
2. Худайкулов Жаҳонгир
3. Дониёров Ёркин
4. Тавбоев Абдухалил
5. Эшхўжаев Раҳим
